



АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

✧ 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✧ 1998 йил, 14 август, № 32 (175) ✧ Жума кунлари чиқади ✧ Сотувда эркин нархда ✧

БАХТМУЛАКАН ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ

1991 йил 1 сентябрь истиқлол тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Халқимизнинг азалий орзуси ушалди. Сардор — Президент Ислам Абдуганиевич Каримов ўзбек халқини истиқлол сари етаклади. Тақдир тақозосига кўра ана шундай оғир дамларда, агар таъбир жоиз бўлса Ўйғонши даври жараёнлари бошида И. А. Каримовдек қатъиятли, ҳалол-пок, мард сиёсатдон инсон турди.

ниломқда.

Президент Ислам Каримов бошчилик қилаётган ушбу ёш, мустақил республикамизнинг юксалиб бораётганлигини яққол кўрсатувчи сунгги мисол сифатида Қоровулбозорда қад қўтарган нефтни қайта ишлаш заводи курсатиш мумкин. Ушбу завод қурилишида «Текнип» компаниясининг ҳам улуши бўлган сармоялар ҳисобига амалга оширилди. Утган йилнинг октябры ойида узининг 2500 йиллигини нишонлаган, қадимий тараққиёт бешиги ҳисобланмиш қўҳна Бухоро шаҳридан 55 километр узоқликда жойлашган завод 46 даражали иссиқда, шамол уриб турган Каримовнинг буюк тарихий хизмати ҳам ана шунда. У узининг қўлона сиёсати билан Ўзбекистонни буюк келажак сари етакламоқда...

Ундаги қатъий ирода, фаоллик, ислоҳий табиати, ирсий ички демократизми, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига содиқлик, ҳаттолардан тўғри хулоса чиқара олиши, ўзоқни кўра билиш қобилияти тўғрисида Ўзбекистон, ўзбек халқи ривожланиш йўлига, ўзига хос ва мос бўлган барқарор тараққиёт йўлига чиқиб олди. Президент мамлакат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий йўналишларини ишлаб чиқди. Ислам Каримовнинг буюк тарихий хизмати ҳам ана шунда. У узининг қўлона сиёсати билан Ўзбекистонни буюк келажак сари етакламоқда...

Кўни кеча уйимга кира-каш енгил машинада кетишимизга тўғри келди. Янги «Дамас» текис кўча бўйлаб гизиллаганча учиб борарди.

— Қаранг, қандай яхши, тоза бензин, — деди мамнунлик билан жилмайиб «Дамас» ҳайдовчиси. — Узимизнинг Қоровулбозорда ишлаб чиқарилган. Энди хорижий давлатларга кўз тикиб утирмаймиз, узимизни узимиз ёнидан билан таъминлайдиган кўнларга ҳам етиб келдик.

Мен ногоҳ бундан бир неча ой муқаддам Қоровулбозор нефтини қайта ишлаш қорхонасида бўлиб утган тантаналарни эсладим. Бу йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда мазкур қорхонанинг роли ва аҳамияти тўғрисида кўп гаплар бўлган эди.

Ҳа, СССР барбод бўлган дастлабки кўнларда Қозғоғиш Марказий Осиё республикалари ичида энг истиқболли республикадек туюлган эди. Бироқ, қозқоғиш орзусининг амалга ошиши ўзоқ вақт давом этаётган бир пайтда, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин етти йил мобайнида кундан-кунга минтақада тобора нуфузли аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ававалига шўшланган Америка ва Осиёнинг таниқли банкларлари ҳамда ишбилармон кишилари тезда бу йўлдан қайтиб, Тошкент томон юзландилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон Осиё минтақасида энг тез юксалаётган давлат сифатида та-

Собиқ СССРнинг асосий пахта етиштириш базаси ҳисобланган ва шу етиштирилган пахтанинг 90 фоизини экспортга жўнатган Ўзбекистон бугунги кунда мустақил бўлгандан кейин ўз саноатининг юксалишини бошдан кечирмоқда. Бир неча йил ичидаёқ узини нефть маҳсулотлари билан таъминлашга эришган ушбу мамлакат бундан бундан 20 фоиз газини экспортга жўнатмоқда. Хорижий нефть компаниялари учун бу ерда яратилган шароитлар яқин йиллар ичида нефть ва газ маҳсулотларини қўпайтириш имконини беради...

Ушунда мен бир нарсани ҳақда уйлаганим: республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, юртимизда бўлиб утаётган барча муҳим ўзгаришлар Президент номи билан боғлиқ эмасми?...

— Юртимиз истиқболли, раванки халқимизнинг порлоқ келажак учун Президентимиз тиним билмаётганлар, — дейди Гулистон шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси, уруш фахрийси Бектурсун Пирматов. — Юртбошимиз катта-кичик йиғинларда Ўзбекистоннинг буюк келажакни, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга дахлдор қўллаб-масалаларни кутариб чиқмоқда. Уларни ҳал этишининг йўлларини излаб топаётми. Шу боисдан ҳам турғунлик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бугунги до-

риломон кўнларимизга келиб тула ўз ечимини топаётми. Бир сўз билан айтганда, қишлоқларимизга саноат жадал кириб келиб, янги иш жойлари қўпайпти. Хонадонларимиз тулиқ газлаштирилмоқда. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан катта ишлар қилинаёпти.

Узим Гулистон шаҳрида

наётганида ана шундай ўғлонлар унга тиргак бўдилар. Энг оғир участкаларга ушлар юборилди, энг масъул вазифалар ушларга ишониб топширилди...

Яна кўз унгимда яқин ўтмиш гавдаланади. Президент Ислам Каримовнинг «Пахта иши» билан қамалганларни авф этиш тўғрисидаги Фармони яна бир бор

50, 60-йилларда ва 70-йилларнинг бошларида республикада «етук малакали мутахассис кадрлар етиштириш» деган баҳона билан партия ходимлари ниқоби остида махсус топшириқ олган «де-сантчилар» «марказ»дан кўп бор қадам ранжида қилганлар. Кейинги «Пахта иши» деб аталмиш ривъ ҳам республикамизда қилинган навбатдаги, аниқроғи сунгги ҳужуж эди. Лекин бу галги тазйиқ бутунлай бошқача эди. Аслида бу ўзлигини таниб бораётган бой улкамизнинг ер ости ва ер усти бойлиқларидан, тайёр хомашё манбаидан айрилиб қолмаслик учун қилинган яна бир ҳужуж эди. «Марказ» узининг Ўзбекистонга навбатдаги юришини юқорида айтилганидек, миллий кадрлар — «номақбул» раҳбар ходимларни бадном қилишдан бошлаган эди. Дастлаб Ш. Рашидов номи қораланди. «Марказ»дагилар: «Мана қўрқингизми, сизларнинг энг катта раҳбарингиз ҳам балчиққа ботиб қолган», деб халқ орасида унга нисбатан нафрат уйғотмоқчи бўдилар. Лекин улар айтганча бўлган йўқ. Мана бунини ҳаётнинг ўзи қанчалик ҳақиқат эканлигини рўй-рост исботлаб турибди...

Ҳа, республика Олий Кенгашининг «Пахта иши» комиссияси адолатни тиклаш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширди. Пахтакорларимиз эл-юрт олдида энди юзлари ёруғ бўлди, деб айтишга ҳақимиз. Мана шундай ҳуқуқий тенгсизлик шароитида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов таъаббуси билан ташкил этилган республиканинг «Пахта иши» бўйича комиссияси фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўйича чиқарилган ҳуқуқларнинг асосли ёки асоссизлиги билан боғлиқ жуда кўп масалаларни қўриб урганиб чиқди. «Пахта иши» билан ноҳақ судланган кишилар Президент Фармони билан озодликка чиқдилар. Республика Президенти уларни авф этди...

Бундан атиги 6-7 йил муқаддам Тошкентни тарк этган киши ҳозир бу ерга келиб қолса, уни танимаслиги мумкин. Республикаимиз пойтахти, таъбир жоиз бўлса, ўзоқ давом этган чарқочдан сўнг бир силкиниб, елкасидаги чангани иттиб ташлаган, олға сари дадил қадам ташлаётган навқирон йигитни эслатади. Шундай яшариб кетди у, шундай ўзгарди. Эски, қингир-қийшиқ кўчалар урида раво, кенг шох кўчалар, ер ости йўллари...

— Аслида «ўзбеклар иши», «Пахта иши» собиқ Марказнинг тўқимаси эди, — дея изоҳ берадиган ушунда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков. — Бу фарзали мақсад ортида ўзбек халқининг миллий гуруҳини оёқ ости қилиш, республиканинг етук кадрларига зимдан зарба бериш орқали путури кетаётган «марказ» обрўсини тиклаш, жигилдонни текин тамоқ билан тулдириш, эски тизимни сақлаб қолишга уриниш эътиди. Бундай тазйиқлар 74 йиллик тобели тарихимизда кўп бўлган. 30,



яшайман. Очиғи бу ерга ташриф буюрган одам бугун шахримиз жамолини танимай қоларди. Негаки, шахримиз чиндан ҳам тубдан ўзгарди. Албатта, бу ўзгаришларда мамлакатимиз раҳбарининг ва унинг атрофида, унинг ёнида ишлаётган сифдорларнинг катта хизматлари бор. Мана, мустақиллигимизнинг дастлабки етти йиллигида яратилган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий имкониятлардан ҳаммаимиз тула баҳраманд бўлмоқдамиз. Биз уруш ва меҳнат фахрийлари Президентимиз тутаётган бу оқил ва одил йўлни доимо қўллаб-қувватлаймиз ва қадрлаймиз. Бу йўлда юртбошимизни яратган Оллоҳнинг ўзи қўллаб-қувватласин...

Мустақиллик, юз йиллик қўллик асоратидан қутулиш жамиятимиз, унинг асл фарзандлари олдида жуда катта вазифаларни қўйди, таъбир жоиз бўлса, уларни фидойилик, ишбилармонлик, ватанпарварлик қуригидан ўтказди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклла-

ри, муҳташам кўприклар, янгидан таъмирланиб, ҳаммаёққа хусн бағишлаб турган унлаб замонавий бинолар, пойтахтимиз бош хивобинидаги Амир Темур ҳайкали, Темурийлар тарихи музейи... Эҳ-ҳа, ҳаммасини бирма-бир санаб адо қилиб бўладими? Буларнинг ҳаммаси қад қўтаришида, бинига келишида сардор, бош меъмор Ислам Каримовнинг ўзи бош-қош бўлиб турди. Йўлида пайдо бўлган муаммоларнинг ҳойида ич-ичига кириб борди ва ҳал этди.

Биз фақат Тошкент ҳақида гапирдик. Республикаимизда бундай тарихий қурилишлардан неча-нечаси амалга оширилмади, қанчадан-қанча гигантлар ишга тушмади дейсиз. Асака автомобиль заводи, Мингбулок нефть, Бухоро, Хоразм, Қарши ва бошқа жойлардаги гигант қурилишлар... Уларнинг ҳаммасини лойиҳалашда, қурилишларини амалга оширишда юртбоши ва унинг атрофида турган фидойи кишиларнинг шахсий таъаббуси, ақл-заковати, топширилган ишга фидойилик ҳал қилувчи роль ўйнади.

Давлатимиз юз йиллик қўллик асоратидан қутулганига эндигина етти йил бўляпти. Бу — тарих рўпасида яшин қақнаб-сунганча қўллик қўллик. Лекин ана шу даврда амалга оширилган ишларимиз, тарих тўрғусига солиб қўрилган бўлса, аслларга татигулиқдир. Ҳали олдинда ишлар кўп. Биз Ўзбекистонни жаҳондаги энг обод, туқ-бадавлат, фаровон, келажакги порлоқ, замонавий давлатга айлантирамиз дея бутун жаҳон афғор оммаси, шунингдек, воёга етайтган фарзандларимиз олдида сўз бериамиз. Бу катта мақсадларни амалга оширишда бизга юртбошимиздек журъятли, шунинг билан бирга ўн улчаб бир кесадиған, эътиқодли, қўзланган мақсад сари оғишмай, ҳормай-толмай борадиган кишилар керак. Уларнинг сафи қанча кенг бўлса — бу Ўзбекистоннинг бахти, зеро юртининг қаддини унинг фидойи, асл фарзандлари кутаражак.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

ЮРТБОШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-боларимиз ҳоқи ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муқаддас заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрироқдир. Биз фарзандларимиз оғига ва қалбига ана шу туйғунинг сингдиришимиз лозим.

Ватанимиз Ватан қилиш туйғуси, масъулияти, тақдир тақозоси билан ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига тушди.

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озолиги насиб этмаган боболаримизга улуг ҳайкал бўлажак. Ўзбекистоннинг шўхратига шўхрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак.



Халқаро валюта жамғармаси томонидан Россияга ажратилган ёрдам маблағларидан 300 миллион долларга яқини Москва банкига келиб тушди. Ушбу бошланғич маблағ Россияда ҳарбий ислохотларни чуқурлаштириш ва шахтёрлар ойлигини тўлашга сарфланади.



СУРАТДА: Бельгия кўчаларида.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Африка мамлакатларидаги АҚШ элчихоналари олдида портлаш содир этган кишиларни айтиб берган одамга 2 миллион доллар мукофот беришни ваъда қилди. Бу ҳақда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним маълум қилди.

Жанубий Африка Республикасида қурол-яроғ ўғрилиги тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, шу кўнларда Блумфонтейн шаҳридаги қурол-аслаҳа омборидан ўқ-дорига лиқ тўла юк машинаси ўғирлаб кетилди.

Сайёрамиз шу йилнинг ноябрь ойида фазодаги Леонид номили метеор оқими таъсирига тушиб қолади. Бу жараён давомида, Ерга бутун ноябрь ойи давомида метеорлар ёғилари. Ерда яшовчиларга метеор ёғири ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Сайёрамизга етиб келгунча метеорлар жуда майдалашиб кетади, уларнинг айримлари ҳатто инсон соч толасидан ҳам ингичка бўлиб қолади. Аммо Ер атмосферасидан тепароқда учиб юрган космик кемаларнинг аҳоли чатоқ бўлиши мумкин. Чунки Ер атмосферасига кирмасдан олдин метеорлар жуда қаттиқ ва тезузар бўлиб, космик кемаларни тешиб юбориши ҳам мумкин.

Туркия ва Америка Қўшма Штатларида сафар қилган Президент Аслан Масхадов ватани Чеченистонга қайтиб келди. Аслан Масхадовнинг баёнотида кўра, Чеченистон дунё давлатлари билан кенг ҳамкорлик қилиш йўлидан боради. Бироқ бу йўлда Россия Федерацияси билан маслаҳатлашиб иш қўради.

Европанинг айрим давлатларида кўн тобора исиб бормоқда. Ҳозир Франциядаги ҳарорат жуда кутарилиб кетган. Парижда 37 даража иссиқ бўлиб, шаҳар аҳли кўчага чиқмай қўйди. Ҳукумат шахсий автомашиналарнинг қатновини ҳамда атрофини ифлослантирувчи заводлар фаолиятини чеклаб қўйди.

Истиқлол мадҳи

Этай Оллоҳга шўкрона бугун эл мустақил, хурдир. Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

Бўлиб бир жону тан халқи тагин ҳам яхши бирлашди, Очиб кўнгил, ният айлаб юракдан яхши сирлашди, Белида қувватли ошди, дилида гайрати тошди, Дегайлар шўхасиз бир кун бу миллат онги тоғ ошди, Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

КАЛОНИЙ.


БҮТҮН ОЛАМ ҲАВАС ҚИЛАГАЙ...

Юсуф Хос Ҳожибу Махмуд Қошғарийдек тоғаси бор, Бухорий, Термизий, Нахшбанд, Яссавийдек даҳоси бор, Жаҳон тарихида олган муносиб ўз баҳоси бор, Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

Самарқанду Бухоро, Хивага кимлар ҳавас қилмас, Қадимий Шовш, Намангану Қўқонни қай киши билмас, Ки ўзбекистон эрслардан ошишига йўли қирқилмас, Жўшиб турган бўлак чашми жаҳон турғунча берқилмас, Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.


Мурунгову Зарафшон тупроғи тупроқ эмас, зарку, Тибншону, Ҳисор, Чотқолда тошлар мисли гахварку. Шохшамордону Бўстонлик асл жаннатга менгзарку, Ҳавоси соф, суви тоза, гийҳи ҳам суманбарку, Бутун олам ҳавас қилгай, ахир жон Ўзбекистон бу.

Чароғондур диёри сочгани оламга соф нурдир, Йигитлар бунда Алпомиш, Муқанна мисли мағрурдир, Асл хур қизлари Барчин каби гўзал ва машхурдир,



Эли ўзбек, ўзи бек ҳам ўзи хон Ўзбекистон бу, Берунийдир, Улугбекдир билимдон Ўзбекистон бу. Навоий, Лутфий Бобурдир ғазалхон Ўзбекистон бу, Мудом дунёга ном ёйган, қучиб шон Ўзбекистон бу, Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

Фахр этмоққа ҳақдир, Амир Темур бобоси бор,



Ўзбекистон Мустақиллигининг 7 йиллигига

Галла мустақиллиги-юрт мустақиллиги

МАЪМУРЧИЛИКНИНГ НУРЛИ МАНЗИЛЛАРИ

галлазордан бошланади ва деҳқон билан адолатли ҳисоб-китоб қилинса хирмон ҳам тўлади, эл ҳам фаровон яшайди, деб таъкидлайди
«Жомбойдон» раҳбари Яшин СУЛТОНОВ



фати масаласида анча ил-гириллаб кетилган. Ҳатто Самарқанддаги «Янги замон» узбек-америка қўшма корхонаси ҳам жуда кенг истеъмолчиларга манзур бўлган қандолат маҳсулотлари учун хом ашёни шу ердан олади.

— Сифатни такомиллаштириш учун корхонани техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаганимиз узро рақобатда кўл кел-моқда, — дейди комбинат раҳбари Яшин Сultonov. — Ун чиқарилган цехлар Швейцариянинг «Бюллер» технологияси билан жиҳозланган. Бу юқори на-ли ун ишлаб чиқаришни 78,5 фоизга етказиш им-конини берди. Янги техноло-гия туфайли меҳнат унум-дорлиги бир ярим баробар ошди.

Дарвоқе, вилоят галла-зорларидаги суронли меҳ-нат, сафарбарлик бугун «Жомбойдон» сингари йи-рик тегирмонларга кўчган. Жамоа Жомбой, Пайарик, Ургут туманларидан 56 ми-нг тонна галла қабул қилиб олди. Муваффақиятларнинг яна бир сири ҳосил учун галлакорлар билан ўз вақ-тида ҳисоб-китоб қили-шаётганида. Натижада хир-мон ҳам донга тўлмоқда, галлакорнинг хонадонига ҳам файз-баракат кирмоқда.

Жумладан, мавсумда жом-бойлик галлакорларга 332 миллион сум, ургутлик деҳ-қонларга 110 миллион сум ва Пайарик тумани мириш-корларига 88 миллион сум пул тарқатилди. Шартнома-дан ортиқ топширилган дон учун алоҳида ҳисоб-китоб қилинмоқда. Тўловларнинг

40 фоизи эса ҳали ҳосил етилмай, ерга уруғ сочаёт-ганда амалга оширилган эди. Бу ҳам галлакорнинг ўз меҳнати натижасига ишончини мустаҳкамлади.

Ҳа, галлакор билан ҳалол шерикчилик комбинатга ду-рустгина фойда келтирмоқ-


сумдан ортиқ маблаг сарф-ланди. Табиийки, бундай гамхўрлик бозор иқтисо-диёти шароитида тамамон янги-янги имкониятларни излаб топишга, касб масъу-лиятини чуқурроқ англаш-

да. Жамоянинг ҳар бир иш-чиси уртача 4622 сум маош олмақда. Бундан ташқари корхона сотиб олган акция-лар эвазига бултур жамоа-га салкам чорак миллион сум дивиденд тарқатилди.


«Жомбойдон»да ижоти-мой соҳаларни ривожлан-тиришга ҳал қилувчи вазифа сифатида ёндошилмоқ-да. Болалар боғчаси, сав-до дуконлари, дам олиш уйлари бениқсон ишлаб ту-рибди. Фақат бир йилда ишчи-хизматчиларнинг со-лигини тиклашлари, курорт-санаторияларда давола-нишлари учун 3 миллион

га даъват этмоқда.
Зохир ТўРАҚУЛОВ.
«Адолат»нинг ўз мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. «Жомбойдон» хиссасдор-лик жамияти раҳбари Яшин Сultonov. 2. Жамоа янги иш кўни олдидан. 3. Комбинат лаборатория мудири Толиб Аббаров ва лаборант Татьяна Лишская дон сифатини аниқлашмоқда. 4. Тегир-мон бошлиғи Абдор Тўра-ев ва технолог Омон-қул Худойкулов.



1991 — 1998



Асли бозор рақобати шароитида хари-доргир маҳсулот тайёрлаб миқозлар ишо-нч-этиборини қозониш, корхонанинг йил-ун икки ой узлуксиз ишлашини таъмин-лаш ва яна ижтимоий соҳалар равақи учун катта маблаг сарфлаш анчайин но-зик муаммо бўлиб турибди. Бироқ «Жом-бойдон» хиссасдорлик жамиятида меҳнат-га ишчи-хизматчилар манфаатидан келиб-чиққан ҳолда ёндашиш-иқтисодий кўрсат-кичларнинг тобора яхшиланишига, корхо-на обрўйининг ошишига олиб келмоқда.

Бугун Самарқанд ви-лояти савдо дуконлари, чиқарилаётган унга кўпроқ йирик нон комбинатлари талабгор бўлишмоқда. Бой-ва минглаб новвойлар си, бу ерда маҳсулот си-

Ишлаган тишлайди...

КИМГА МАШИНА, КИМГА ГИЛАМ

Мустақиллигининг еттинчи йили нарпайликлар учун ҳам баракали бўлди. Туман пиллакорлари 4,5 миң кўти илақ қуртидан 220 тонна «Кумуш-тола» етиштириб, давлат буюртмасини 120 фоиз-га бажардилар. Галлакорлар эса 6 миң гектар ерда ундирилган доннинг ҳар гектаридан 42 цент-нердан ҳосил олишиб, шартномани 114 фоизга адо этдилар.

Шу муносабат билан яқинда бу муваффақиятларга ўзи-нинг муносиб улушини қўшган дала меҳнаткашлари ва уларга кўмакдош бўлган бир гуруҳ милиция ходимларини туман ҳокимиятида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Иттифок» ширкатлар уюшмасига «Дамас», «Бустон» ва «Нарпай» ширкатлар уюшмасига «Тико» автомашина-лари совга қилинди. Шунингдек, галла нобудгарчилиги-га қарши курашдаги милиция ходимларининг алоҳида хиз-матлари учун туман ички ишлар бўлимига «Нексия» авто-машинаси, 17 нафар улашқа нозирларининг ҳар бирига «Хива» гиламлари тортиқ қилинди.

Ўз навбатида, илгор бригада бошлиқларидан 5 наф-рага видео қўллар, яна 500 нафар пиллакор ва галла-корларга «Хива» гиламлари тақдим этилди.

Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамиллов қимматбаҳо сов-галарни ўз эгаларига улашар экан, эртанги пахта йиғим-теримида шижоат кўрсатадиган пахтакорларни бундан ҳам ортиқ совгалар кутаятганини маълум қилди.

Ҳазрат РУСТАМОВ.

Юз билан юзлашганлар УЛАРИНГ ДУОСИНИ ОЛИНГ...

Қорақалпоғистон республикасининг Амударё туманида бир аср ва ундан ортиқ умр кўраётган мўътабар ва табаррук қариялар анчагина бор. Уларни зиёрат қилмоқ, дуоларини олмақ ҳар би-римиз учун ҳам фарзу ҳам қарзидир.

«Қиличбой» жамоа ҳужалигидан Султонова Тилова она — 106, Матқурбонова Қурбон она — 105, Матқурбонова То-жигул она — 104, Бердимуродова Имсин она — 103, Тош-боев Жумот ота ҳамда Мадиев Тожигул она — 100 баҳорни қаршилайди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. «Дустлик» жамоа ҳужалигидан Сейтжонова Ша-рипа она — 107, Юмротов қўрғончасидан Абдулова Рима она — 103, «Тўқтин» жамоа ҳужалигидан Сейтжанова Ша-рифа она — 107, «Мангит» ширкатлар уюшмасидан Боженова Урош — 102, «Қипчоқ» ширкатлар уюшмасидан Қипчоқбоева Рима она — 101 ёшга кирдилар.

Муборак байрамимиз арафасида бу табаррук, азиз қарияларимизга янада узоқ умр, тетиклик ва бардамлик тилаб қоламиз.

Райимбой БОЛТАБОВ,
ўз мухбири.



Мулкдорлик тўйғуси

АДОЛАТ ЭМАС, АДОЛАТ ЕНГАДИ

ёки бир «Ким ошди» савдоси атрофидаги ҳангомалар хусусида

Давр талаби — мулкдорлар синфини шакллантириш, кишиларнинг меҳ-натига бўлган муносабатини тубдан чуқурлаштириш, меҳнаткашларнинг ҳу-қуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни, ростгўйликни жамиятга синдириш. Бу икки тўйғу-жамиятимизнинг бугунги қурилиши билан йўғрилган. Президентимизнинг саяё-ҳаракатлари ана шундай.

Шундан келиб чиққан ҳолда турмуши-мида янгилик сари муҳим қадамлар таш-ланди. Термиз шаҳар нефть маҳсулотла-ри таъминоти корхонасига қарашли 1-сон-ли автомобилларга ёнлиги қўйиш шаҳоча-си Ўзбекистон Республикаси Давлат мул-кини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Сурхондарё ви-лояти ҳудудий бошқармасининг буйруғи билан «Ким ошди» савдосига сотишга қўйил-ди.

Савдода истак билдирган барча фу-қаролар қатнашиши мумкин. Қўнун ҳеч қи-ми таъкидланмади. Мухими шундаки, ким ошди савдосига мулкдор бўлишни хош-лаганлар ариза беришлари ва мулкнинг бо-шланғич баҳосининг «ю» фойзинини олдин-дан тўлаб қўйишлари шарт. Қўнун эса қу-затувчи Т. Эргашев, Н. Ҳикматов, Х. Бобо-муродов, М. Камолловлар ўз аризалари билан мурожаат қилишиб, гаров пулларини тўлаб қўйишди. — Шу кунги «Ким ошди» сав-досини қўнунлар доирасида олиб бори-лгани тўғрисида «видеотасма» мавжуд, дейди биз билан суҳбатда вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўл-лаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи му-овини Тўра Боболов.

Ушбу кунги «Ким ошди» савдосига 1-АЕКШнинг бошланғич нархи 132 миң сумга белгиланди. Савдо қизиб, борган са-ри нархлар ошиб бораверди. Нархнинг энг охириги кутарилиш нуктаси 260 миң сум-дан ошмади. Тўрақул Эргашев эса ана шу мулкнинг қўнунини соҳиб бўлиб қолди. Давр тақозоси шу!..

Азиздан ёмон бир иллат бор. Бу — ҳа-садири! Бу каби қўсур иллатлар айрим ки-шиларнинг қон-қонига синиб кетгани, бу — кишиларга зарар келтирмай қўймаган. Тоталитар тузумда бу иллат янада чуқу-роқ гасак отган. Шағатон йиллари ёки «па-хта иши»да азият чеккан юзлаб, миңлаб ҳа-лол одамларнинг фареди ҳеч қимнинг қў-зунгидан кетмаса кера. Бечора жаҳрдийда-ларга қилмаган гуноҳларини мажбурлаб, «тан» олдиришди. Бахтимизга юртовшимиз бор экан уларнинг номлари покланди, оқ-ланди.

Ойдин Ҳикматиллаева нидоли, юрак ҳо-вучлаб дейди:

— Ўстиқдошим Тўрақул Эргашев илгари Термиз шаҳар нефть базасида ишларди. 1-сонли автомобилларга ёнлиги қўйиш шо-ҳочасини «Ким ошди» савдоси орқали со-тиларкан, деб қолди. Оналари ва акалари-ни қақиртириб уйда маслаҳат қилди. Яқин-

дин Камолов, — Мулкка эгалик қилиш учун «Ким ошди»га даъвогар эмасман. Ариза ва пул топшириганим йўқ. «Ким ошди» сав-досига Тўрақул Эргашев, Нормурод Ҳик-матовлар, Мухиддин Камолов, Ҳайрулло Ҳо-муродовлар ариза ёзишиб, мулкни ўн-фойзини тўлашган.

— Барча расмийлаштирилган ҳужжат-лар Республика кўмас мулк биржаси ко-нун-қоидаларига мос тушди. Иккинчидан «Ким ошди» савдосига истаги бўлган бар-ча кишилар кириши қўнунда қўрилган, — дейди биз билан суҳбатда илтифат-мас мулк биржаси директори Иброҳим Панжиев ва Ўзбекистон Республикаси кў-мас мулк биржаси Сурхондарё вилоят фили-ялида ахборот ва маълумотлар жамлаш бўлими бошлиғи, мутахассис Музаффар Турсуновлар.

— Касбим ўқитувчи, — дейди Бахтиёр Камолов, — 18 йил ишларга билим бердим. Ҳозир Термиз тумани факултетида вазият-лар бўлими бошлиғи бўлиб ишлайман. Ях-ши эслайман. Вилоят телевидениядан 23 декабрь 1996 йилда «Ким ошди» сав-доси бўлиши, унда Термиз шаҳридаги ин-шоотлар, 1-АЕКШ сотилишини эълон қил-ди. Уғлим Муҳиддин менга, «Ота, агар сиз рози бўлсангиз 23 декабрь кўни бўладиган «Ким ошди» савдосига ариза билан қатнашсам», деб қолди. Уғлим чуқурроқ уйлаб кўри! Ўш юритиш қўбилиятинг бу-лас, майли. Пулдан ердан бераман. Мана бу новос, мўл-қўйларни сотамиз. 200 миң сумга етди. Ортиқ пулимиз йўқ дедим. «Шу вақтга қадар уғлим ишисиз бўлган. Шунчаки кун ўтказиш учун шаҳарда — 1-АЕКШда у-бу енгил ишларни қилиб юр-ган...

Инсонийлик нуктаи — назаридан фикр юргизадиган бўлсан, бугунги иқтисодий тикланишлар даврида мустақил, иш ре-спубликамизнинг қаддини кутаришда тадбир-корларимизнинг алоҳида хиссаси бор. Энд-и адолат нигоҳида боқайлик: ҳаммам я пулдор эмас. Лекин урта ҳол кишилари-миз ҳам қариндошларидан пул тўлаб, му-лкка эгалик қилишса, давлат манфаатига хизмат қилишса, бунинг нимаси ёмон! Ҳо-зирги давр тараққийида ҳар бир гапи-мизни тарозига қўйиб гапирасаккича одам-лар биздан рози бўлади. Шўролар тузуми-давида топталган узоғимизни, маънавия-тимизни тиклаётган бўлаемиз.

Ҳиссадан ҳисса шуки, қўнун барча учун баробар. «Ким ошди» савдоси ҳам қўнун-ий йул билан ўтказилган. Демак, ким ютиб чиққан бўлса мулк ушаниқидир. Ор-қага қайтish қонунини топташ билан тенг.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Тошкент шаҳрининг Юнусов туманида бир-гитилан ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг турар жой мажмуи Ўзбе-кистон Мустақиллигининг 7 йиллиги байрамига ўзига хо-с совга бўлди. Мамла-катимизда фаолият кўрсат-тайтган чет эл фирма ва компаниялари ҳодимлари истикомат қилаётган бу мажмуада уларнинг яшаш ва кўнгилли дам олиш учун барча қўлайликлар мўайё бўлган.

СУРАТДА: мажмуанинг ташқи кўриниши.
Хусанбой АББАЛОВ
олган сурат.

Партиямиз фидойилари ШИФОКОР БАХТИ

Исмомил Юсупов 1946 йили Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний туманида туғилган. Самар-қанд Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Ҳо-зир туман марказий касалхонасининг бош врач-и лавозимда ишлайди. Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифадаги врач.

Ўтган йили «Адолат» социал-демократик пар-тиясининг туман таъсис кенгашида у туман пар-тия кенгашининг биринчи котибига сайланди.

— Исмомил Юсупович! Туман партия аъзолари Сиз-ни ўзларига раҳбар қилиб сайлаганликлари, албат-та, катта ишонч. Лекин иккита муҳим жабҳада иш олиб бориш биров оғирлик қилмасмикин?

— Албатта, бироз қийинчиликсиз бўлмайди. Лекин пар-тия кенгашига котиблик — бу жамоатчилик иши. Жа-моатчилик ишида эса, ўз-ўзидан маълум, кенг жамоат-чиликка таянлади. Шу боис, ўйлаيمانки, партиядош-дўстларимизнинг кўмаги бу ишда кўл келди.

— «Адолат» партиясини кенг меҳнаткашлар ом-маси яхши биладими? Ва умуман, туманда унинг мавқеи қандай?

— Ҳамма нарсага объектив баҳо берадиган бўлсак, туманимиз аҳолиси Халқ демократик партиядан бошқа партияларни унча яхши билвермас эди. Аммо кейинги йилларда «Адолат» партияси жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошлагач ва унинг нафари бўлиши «Адолат» газетаси эл орасида кенг тарқалган, партия дастури кўп-чиликка маълум бўлди, унга хайрихоҳлар кўпая бошла-ди. Ўтган йили туманда таъсис кенгаши тўғрисида, пар-тия расман ўз ўрнини топганилиги ҳам шу нарсанинг та-рихий ақни бўлди. Биз жойларда социал-демократик партиянинг жаҳонда тутган роли ва аҳамияти ҳақида, у Европадаги 37 та давлатда етакчи партиялардан бири эканлиги тўғрисида тушунириш ишлари олиб бордик.

— Ҳозир партия бошланғич ташкилотлари қайси соҳаларда унумли ишламоқда?

— Медицина, маорифда, қишлоқ ҳўжалигида. Партия-га кириш истагини билдирувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Лекин бу ишда биз сон кетидан қўймаймиз, сифатга кўпроқ аҳамият берамиз.

— Сиз Қорақалпоғистондагина эмас, балки Ўзбе-кистонда ҳам йирик туманлардан бири бўлган Бе-руний туманининг бош шифокорисиз. Кези келган-да, ўз хизмат бурчингиз доирасида ҳам сўз юри-сак, токи газеталаримиз партия фаолларини яқин-дан билиб олсинлар...

— Мени аслида тиббиётга отамнинг хоҳиш-иродаси етаклаб келган. Лекин отам шу йўлни танлаб, нафақат мен, яъни ўз фарзанди, балки бутун туманимиз меҳнат ахли ҳақида жон куйдирганилигини кейинроқ англаб ет-дим.

— Демак, касбингиздан кўнглингиз тўлади, шун-дайми?

— Албатта, Мен урологман. Жарроҳман. Бош врач бў-лганим билан жарроҳлик амалиётини ҳам узлуксиз ра-вишда давом эттиришман. Баъзи операциялар 3—4 соат-лаб давом этади. Аҳоли оғир беморнинг ҳаётини сақ-лаб қолиш, унинг юз-қўзида, ақинларининг неҳраларида табассум қўриш — бу шифокор учун бахт.

— Ҳозиргача қанча операцияни амалга оширдин-гиз?

— Тахминан 5 миңта. Туманимизда кўричакнинг ўзи-дан йилга 245 та операция қилинаганини, кўнунга эса 25 та турли операциялар бажарилаганини ҳисоблаб чиқ-сак, шифокорларимиз гардианида қандай масъулият юк борлиги маълум бўлади-қолади. Туманимизда 137 миң аҳоли бор. Уларга 315 нафар врач ва 1500 нафардан кўпроқ ўрта медицина ходимлари хизмат кўрсатадилар. Шунисидан мамнунийимизки, ҳали-қозиргача туманимиз аҳо-лисидан биз—шифокорларнинг қонқарисиз хизмат кўрсатганимиз ҳақида бирон бир шикоят тушганини эслай олмаيمان.

— Орол деңизининг қурий бошлаши, экологик ҳавф масалаларига кейинги пайтларда жиддий эъти-бор берилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда...

— Гапнингизни тушундим. Ҳа, Орол бу нафақат биз-нинг, балки бутун сайёрамизнинг фожеси. Сизга қизиқ бир факт ҳақида айтиб бераман. Республикадан бир не-ча шифокорлар ўтган йили Швецияга, халқаро анжуман-га борган эдилар. Ўша ерда, анжуманда Швеция олим-лари ўз мамлакатлари осмонда қандайдир нотаниш чап-пайдо бўлганини билиб, тадқиқот ишлари олиб борган-лигини айтиб ўтдилар. Аниқланишча, у Орол деңизининг қуриб, куюққа айланган жойларидан учиб борган чанг экан... Швеция ёрдадан неча миң километр нари-дан, биз эса ундан бироқ-йўри бир неча юз километр олин-да эканлигини ҳисобга олсак, унинг туманимиз-да қанчалар асорат қолдиришини кўз олдимизга келти-риш қийин эмас.

— Лекин бу йил Оролга сув қуйилди, деган яхши гапни эшитдик.

— Ҳа, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенга-сининг раиси Тимур Камолов ҳам яқинда ўзининг «Адо-лат» газетаси мухбири билан бўлган суҳбати чоғида бу хабарни тасдиқлади. Шоҳ шундай бўла- албатта, Орол-ни аввалги ҳолига келтириш фойда мушкул иш. Лекин уни-инг ҳозирги неҳарасини ушлаб туриш, уни тамоман қуриб, тўғаб кетмаслигининг олдини олиш ҳам катта гап. Бу нарсаси биз учун, ҳаммадан кўпроқ эса фарзандларимиз учун керак.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатни Қ. СОБИРОВ ёзиб олди.

Саноат — қишлоққа КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллик тўйи-ни нишонлашга катта тараддул қўйлаётган шу дамларда Жондор туманидаги «Ушот» қишлоғида мўъжазгина байрам бўлди. Яқинда мактабни би-тирган 60 нафар қиз қишлоқнинг ўзида иш билан таъминланди. Энг асосийси, улар ишлаб чиқари-диган маҳсулот қон фойдадир. Бундан 4 ой му-қаддам Я. Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиғи раҳ-барияти вилоят меҳнат бирдаси ҳамкорлигида иш бошлаган эди. Бир гуруҳ оқсоқоллар «Ушот» қишлоғидаги эски мактаб биноси бўш турганилиги-ни инобатга олиб, янги корхонани шу ерда таш-кил қилиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Вилоят саноати яна бир қадам илгари қадам ташлади. Гап шундаки, қўйлардан қирқиб олинмаётган жун масала-си вилоят учун муаммо бўлиб турганиди. Мамлакатимиз авваллари хом ашё базасига айланиб қолган даврда жун-лар катта қолларга солиниб, Россиянинг қайсидаир чекка шаҳарларига қайта ишлаш учун жунатиларди. Унинг ўр-нига эса арзимеган пул ёки бирор бир маҳсулот олинар-ди.

Энди эса жун аҳолидан сотиб олиниб, махсус ускуна-лар ёрдамида қиртилди, титилди, момик пахта тола-сига ўхшаб чиқарилади, сўнгра илгари айлантирилди. Шу тарика бир кунда 112 килограммгача жун қайта иш-ланади. Унинг чиқиндисидан эса кўрпа ва пар ёстиқлар тикилиб тайёрланади. Илгари чакçon қизлар томонидан уш шароитида ота-боболаримиз қўллаган аънавий усул — пиез ва анор пучоғи ёрдамида ранг берилди-да чи-ройли гиламчалар тўқилади. Гиламчалар тўқиш техноло-гиясини урганиш учун Афғонистондан махсус уста так-лиф этилиб, у анча муддат қизларга хунар ургатиш бора-сида шартнома билан ишлади.

Иккинчи цехда тикилаётган кўрпа-ёстиқлар эса қарз ҳисобига олинган ускуналар қарзини қоплашга йўналти-риляпти. Жундан тайёрланган ушбу кўрпа-ёстиқлар сиф-атли эканлигини кўрган буюртмачилар ҳозирдан нав-батта туриб қўйганлар.

Албатта, узоқни кузлаганининг режалари катта бўла-ди. Россия давлати билан ҳамкорликда иш бошлаган «Шамс» кичик корхонасининг режалари ҳам улкан.

Ўзга РАҲЖАБ қизи,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Койил! «САНТА-БАРБАРА» ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

«Санта-Барбара» теле-серияли дунёдаги 40 мамлакатда кўйилган. У Қўшма Штатларда 1984 йилда бошланган, 1993 йилда тугатилган. Қўшма Штатларда аста-секин сўнгги сериялар қўйилмоқда.

Қўйиллик давлатларда Капеллар — утиб кетилган бошқич. Бошқа давлатлар хозирга қадар Добсонлар зулми остида «азият чекамодлар». Биз фильм воқеалари ва образларини назарда тутганимиз. Россияликларга келганда эса телесериалнинг бугунги воқеаларини тўқсонинчи йилда қўйишган. Саққиз йил мобайнида расм-русумлар узадган, актёрлар қариди, мушқали мавзулар эскирд.

Лексин дунёда телесериалга қизиқиш пасайгани йўқ. Хозир 12 давлат уни қўриб бўлди, ва тўхтатди. Германияда эса телевиденининг битта каналида тугаб, иккинчисида янгитдан бошланди...

Е. тавба!.. НАВБАТ ЭШАКЛАРГАМИ?

Жанубий Қозғоғистон вилояти ҳукумати муҳофазат қилиш органларининг маълумотига қара, мол урилари энг узига тортатган улжа хозир — эшаклар бўлиб қолди. Бу ҳайван эгалари ута ҳушёр бўлишларига тўғри келмоқда.

Эшакларга қизиқиш сирам уларнинг қўрқатқан қашлиқларига алоқадор эмас. Минтақа санитария-эпидемиология хизмати текширувлари қўрсатишича, Қозғоғистондаги эшакларнинг кўпчилиги эшак гуштига мансуб экан.

Астафурцлло!

МАРИАНА

ҚўШИҚЧИ БҮЛДИ

«Бойлар ҳам йилгайди» ва бошқа қатор телесериалларда бош ролларни ижро этган машҳур мексикалик кино йулдузи Вероника Кастро икки йилдирки, теленовелларда сўзга тўхтатқан қўйди. У қўшиқчиликка «қўриб кетди».

У хозир уш қўшиқларининг янги компакт-дискни чиқариш учун жуда астойдил тайёргарлик қурмоқда. Бу қўшиқлар ёзуви, унинг эзи тайинишича, «қўр-зўр» бўлади.

Диск октябрь охирида сотувга чиқарилиши учун сентябрнинг бошларида турли мамлакатларга тарқатилга бошлайди, деб тахмин қилинмоқда.

Ана холос!

80 ЁШЛИ КУЁВ

Жанубий Африка Республикасининг 80 йиллиги президентиди Нельсон Мандела учинчи бор уйланди. У яқинда 50 ёшли Грота Исмли аёл билан никоҳдан ўтди. Никоҳ маросими Манделанинг 80 йиллиги тўғри билан биргаликда нишонланди. Бизга келган 2 минг меҳмоннинг ҳар бири минг доллардан «тувна» берди. Йилгилан пуллар Мандела номли бошлар жамғармасига ўтказилди. Тўйда Майкл Жексон, Стив Уандер каби танқил хонандалар хизмат қилди.

Е фалак!

ГУВОҲ — МУРДА

Петербургда ўзганинг квартирасини ноқонуний сотиб юборган ўш товламачи ушланди.

Ашвейи далил сифатида ҳар турли бошқа нарсалардан ташқари, бу ишда унинг собиқ эгаси — нафақадан қолгани жасди тилга олинмоқда. Экспертиза унинг ушми анча илгари юз бергани ва зўрлик бўлмаганини аниқлади. Марҳум аяка узи ишган, унинг гойиб бўлиши ҳам қўшилган эътиборини жалб этмаган.

Челининг мурдаси мўйиллатилган бўлганда жонотчилар квартирага киришган. Улар жасадни уйдан чиқариб ташлаган ва яширишган эди. Кейин эса қаллоблар сохта ишончона тайёрлаган ва уш бунча квартира сотувини расмийлаштиришган.

«Адолат» газетасининг жамоаси республика «Матбуот тарқатувчи» хиссодорлик жамияти бош директори Рустам Қосимовга падари бузурқовори

МИРСАИД ОТАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан «хуқур хамдарлик билдиради.

Сўринг, жавоб берамиз

ҲАҚ- ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ВАТАННИ ХИМОЯ ҚИЛИШ—БУРЧ

—Менга ҳарбий хизматга қақриш тартиби тўғрисида қисқача маълумот берсангиз?

М. ҲОЛИҚОВ,
Чиноз тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида тўғри ва аниқ эътироф этилган: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар».

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги» Қонун биринчи моддасининг 1-бандида «Мамлакатни муҳофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир», дейилади.

Демак, Сиз ўзингизни республикангиз фуқароси ва ватанпарвари деб ҳисобласангиз, шунга муносиб одам бўлинг.

Шунингдек, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга қақрилиши лозим бўлган фуқаролари башарти улар:

хизматга қақрилатган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган турт ва ундан ортиқ болали оиладан бўлсалар;

ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингил)лари бўлса;

диний таълимоти қурол ишлатишга ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар».

ЎҚИМОҚНИ ЭДИМ...

— Мен олий маълумот олишни орзу қиламан, бирок армияга олиб кетилишдан ҳавотирдаман. Мен ўқимокчи бўлган даргоҳда ҳарбий кафедра йўқлиги учун, ҳарбий хизматга боришим шарт экан. Мен нима қилишим керак?

Б. ЭШИМОВ,
Қашқадарё вилояти.

— Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, «Урта умумий таълим, ҳунар-техника билим юртлари, кундузги диний ўрта ўқув юртларида тахсил қўраётган қақрилувчиларнинг қақриш муддати—тўлиқ умумий таълим олгунларига қадар, лексин кўпи билан 21 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларга ҳамда кундузги диний олий ўқув юртларида тахсил қўраётган фуқароларга қақриш муддати — ўқув юртини битиргуналарига қадар таълим олишни давом эттиришлари мақсадиди узайтирилади».

Шундай қилиб, орзу-ҳавасингизни амалга оширинг ҳамда марҳамат қилиб билим олаверинг.

БУЮМ ЁҚМАЙ ҚОЛСА...

— Турмуш ўртоғимга костюм ҳарид қилдим, уйга олиб келсам, унинг дидига мос келмади. Буюمنى дўконга олиб келсам, уни қайтиб олиш у ёқда турсин, ҳатто бошқа рангдасига алмаштирамаймиз, дейишди. Улар ҳақми?Бундай пайтда мен нима қилишим керак?

Х. ШОКИРОВА,
Тошкент шаҳри.

— Агар дўконда худди Сиз ҳарид қилган буюмдан бўлиб, Сизга маълум бўлса, ўн кун мобайнида алмаштириб олишга ҳақлисиз. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида «Истеъмолчи мақбул сифатли ноозик-овқат товарини ҳарид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли», дейилган.

Сиз мажбур буюмининг сифати ўзгармаган, у ишлатилмаган, буюм қўриғини сақлаиб қолинган, плембаси ва корхона белгиси бузилмаган, шунингдек, касса паттаси бор бўлган тақдирдагина уни бошқаси билан алмаштиришингиз мумкин.

Мажбур Қонуннинг 18-моддасида бу ҳақда алоҳида қайд қилинади, яъни: «Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасдиқлайдиган Қонунлар билан белгиланади». Шунинг учун Сиз ҳарид қилган товар бу рўйхатга киритилганми? — текшириб қўришингизни маслаҳат берамиз.

Агар дўконда худди шундай буюм бўлиб, Сизнинг алмаштиришингизга қаршилиқ қилишса, дўкон раҳбарига арзнома ёзинг.

Агар бу ҳам таъсир қилмаса, дўкон маъмуриятини судга беринг!

ИШОНИНГ!

Суд сизнинг фойдангизга ҳал қилади, Сизга фақат буюмингизни алмаштириб ёки унинг пулини қайтариб беришдан ташқари, Сиз маънавий камситилганлигингиз эвазига компенсация олишингиз мумкин.

Ҳар қалай, Сиз магазин раҳбарини фаросатли бўлишга қақринг, ишни судга ошириш қочиб кетмайди.

ВА ЯНА!

Ушбу можаро бўйича ишингиз судга оширилса, уни қўриб чиқиш учун Сизнинг дўкон билан ҳақ ёки ноҳақлигингизни исботловчи далиллар талаб қилинади. Бу — буюм ҳариди паттаси. Ҳаридор талабига қўра, магазин сотувчисини уш буюм ҳариди паттаси ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат беришга мажбурдир.

АРОҚ — СУВ ЭКАН, НИМА ҚИЛАЙ?

— Мен яқинда магазиндан бир шиша ароқ олиб, уйда очсам — сув экан. Бундай пайтда менинг ҳуқуқим нималардан иборат бўлади?

Р. ТЕСАБОВЕВ,
Қўқон шаҳри.

— Сизга сотилган ароқни алмаштириш ёки тўланган пулини қайтариб беришни талаб қилинг. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун Сизни қўлаб-қувватлайди. Магазин директорида суд орқали ҳақимни тиклайман, деб айтинг, бу ҳолда ҳам Сизга қулоқ солмаса — судга беринг.

Суд экспертиза ўтказиши учун зарурат туғилса, қўлингизда қолган «ароқ»ни албатта сақланг.

Жавобларни
ИСОФИДИЕР ва ГҲЛЧЕХРА
тайёрлашди.



12 август кун Тошкентда «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги — 98» халқаро теннис мусобақасига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва уюшмалар, корпорация ва компанияларнинг раҳбарлари, бир қанча вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, республика ва хорижий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Мажлиси республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисида «Президент кубоги» халқаро теннис турнирига қандай тайёргарлик қўрилатгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Давлат спорт қўмитаси

раиси Б.Махситов, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси З.Файзиев, «Тошўйжойинвестқўриш» давлаткорпорацияси раиси

сентябрдан 20 сентябрга қадар Тошкентда «Президент кубоги» халқаро теннис турнири

ТЕННИС МУСОБАҚАЛАРИГА ТАЙЁРГАРАМИК

Т.Зокирев, Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев, Почта ва телекоммуникация агентлиги Бош директори А.Жўрабеков ахборот берди.

Мажлисида қайд этилганидек, теннисни янада ривожлантириш ва хорижий мамлакатлар билан спорт алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида 14

утказилади. Англия, Франция, Россия, Италия, Германия, Швейцария, Нидерландия, Даниянинг энг моҳир спортчилари Ўзбекистонда бешинчи марта ўтказиладиган бу халқаро турнирда иштирок этиш истакини билдирди.

Ҳозир мамлакатимизда Хал-

ўртачирчиқ туманидаги «Кучлюк» станциясида истиқомат қилувчи Маҳмуд Эгамбердиев оиласини ҳамма ҳурмат қилади. Оила бошлиғи Маҳмуд ака 1995 йили пахта қабул қилиш ҳамда жўнатиш пунктини ҳусусийлаштириб олган эди. Тадбиркорликни ривожлантиришда оиланинг барча аъзолари бир ёқадан бош чиқариб ишлайдилар.

СУРАТДА: М.Эгамбердиев (ўртада) оила аъзолари даврасида.
Х. АВВАЛОВ
олган сурат.

қаро теннис федерацияси талабларига жавоб берадиган турнирга тайёргарлик қўрилоқда. Шу билан бирга мажлисда қамчиликларга ҳам эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш йўллари ҳам кўрсатилди, тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисида Фаргона, Қарши, Наманган, Андижон шаҳарларида «Буюк илақ йўли — сателлит» халқаро мусобақалари ҳамда Самарқандда «Челенжер» эркаклар турнирини ўтказиш масаласи ҳам қўриб чиқилди. Шу масала юзасидан бир қанча вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг ахбороти тингланди.

Ташкилий қўмита мажлисида республика Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов иштирок этди.

ТОШКЕНТДА «КОКА-КОЛА»НИНГ ЯНГИ ЗАВОДИ ОЧИЛАДИ

Тошкентда «Кока-кола» ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» қўшма корхонасининг янги — «Мега-завод»нинг татанални очилиш маросими бўлди.

Бу — «Кока-кола» компанияси мамлакатимизда қўрган бешинчи ҳамда энг йирик заводи. Унинг умумий майдони ўн гектардан кўпроқ бўлиб, икки гектарини усти ёпишган ишлаб чиқариш бинолари эгаллаган. Қиймати 55 миллион доллар бўлган замонавий корхона жуда қисқа муддат — бир йилдан сал ошқ вақтда қўриб битказилди. Завод лойиҳадаги қувват билан ишлаб бошлагач, бу ерда йилга «Кока-кола» маркази ёпиштирилган 300 миллион литр газли чанқовсоди ичимлик ишлаб чиқарилади. Ҳозир ичимликларни идишларга қўядиган иккита линия ишга туширилган. Кейинчалик бундай линиялар олтигача етади.

Компаниянинг Марказий Осиёдаги бу энг йирик заводида 160дан ортиқ янги ишчи ўрни барпо этилган. Шу тариқа, бевосита «Кока-кола» тизимида ишлаётган ўзбекистонликлар сони икки мингга яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, компания республика бозоридида иш бошлаганидан буюн ўтган беш йил ичида, маҳаллий маҳсулот етказиб бериувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналарини ҳам ҳисобга олганда, «Кока-кола» компанияси деярли йигирма мингта иш ўринини ташкил этди. Мамлакат иқтисодий таътирларига асосланган инвестициянинг умумий ҳажми 140 миллион долларни ташкил этди.

«Мега-завод»да гоёт сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари «Кока-кола» компаниясининг Ўзбекистондаги ҳодимлари чанқовсоди ичимликлар бизнесининг жаҳон андозлари бўйича ўқитилди. Тез орада унинг эшиклари мактаб ўқувчилари ва талабалар, турли ташкилотлар учун ҳам очилди. Экскурсия чоғида ҳар бири киши корхона, унда уратилган энг янги ускуналар ва ажойиб иш шартоти билан танишиб, мамлакатимизда шу қадар юқори технологияга асосланган корхонани қўриш ва ишлаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди.

Завод бўвдқорлари пойтахтнинг Бектемир туманида янги корхонанинг қўрилиш республиканинг «Кока-кола» ичимлигини севиб қолган аҳолисининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қўндиришга ёрдам берибгина қолмай, айни пайтда Бектемир туманининг sanoati ривожланишига туртки бўлади, бу ерда бошқа хорижий инвесторлар жалб этади, деб умид қилимоқда.

Заводни очиб маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди. Заводни очигага бағишланган маросимда Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов, «Кока-кола» компанияси Европа гуруҳининг президенти Уильям П.Кейси иштирок этди.

Хат босилмади, алмо чора қўрилди

НОГИРОНЛИК АРАВАЧАСИ АЖРАТИЛАДИ

Тошкент вилоятининг Буха туманидаги «Темиразов» жамоа ҳужалигида яшовчи II гуруҳ ногирони Ж.Ҳазратов таъриятимизга мурожаат этиб, мутасадди ташкилотлар орқали ногиронлик аравачаси олишда ёрдам кўрсатишимизни сўраган эди. Хат тегишли вазирлик орқали қўриб чиқилиб, масала ижобий ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги II гуруҳ ногирони Ж.Ҳазратовнинг «Адолат» газетасига йўллаган аризаси билан танишиб чиқиб, унга вазирилик тизимидаги «Ижтимоий ҳимоя» корхонасидан «Майра» русумли ногиронлик аравачасини ажратди. Аравача мутасадди ташкилотлар орқали Ж.Ҳазратовга етказилди.

III.СОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги қарашли «Ижтимоий ҳимоя» корхонаси бош директори.

Франция-98: акс-садо

ФУТБОЛ СИЁСАТИ

Футбол ва сиёсат. Яқин-яқингача ҳам бу икки жумла бир-бирдан жуда йироқ эди. Аммо кейинги ўн йилликлар давомида улар шунчалик уйғунлашиб кетдики, футболни сиёсатсиз, сиёсатни эса футболсиз тасаввур этишимиз амри маҳол бўлиб қолаётди. Бунга яқинда аяқланган XVI жаҳон чемпионати яна бир бор исботлади.

Хуш, катта футболнинг сиёсатлашуви яхиями ё ёмон? Тахлилчи ҳулосалардан шу тўхтамга келиш мумкинки, бу ҳолда спортнинг энг оммавий тури бўлган футболнинг нуфузи янада ортиб боради. Чемпионат уйинларида нафақат спорт раҳбарлари, балки мамлакат бошлиқларини ҳам қўриш оддий ҳол бўлиб қолди.

Франция майдонлари трибуналарида шахсан мамлакат президенти Жак Ширакнинг ҳозир бўлиши футболчиларнинг руҳини кўтариб юборди. Ва шу ҳоқча ярим финалларда «қоқилиб» юрган французлар бир ҳамла билан Жаҳон Кубогини қўлга киритишди.

Иккинчи томондан, чемпионатда қатнашган мамлакатларнинг сиёсий тузуми турлича эканлиги ҳам уйинга билвосита таъсир кўрсатгандек бўлди. Хали биринчилик бошланмай туриб Эрон-АҚШ учрашуви атрофида турли шов-шувлар бўлиб ўтди. Еки Бразилиянинг норвегияликларга шубҳали тарзда ютқазгани ва бунинг оқи-

батиди қўзлариди ёш билан Францияни тарқ этган ажойиб Марокаш терма жамоасини эслам.

Чемпионатнинг ҳақиқий қаҳрамонларига айланган Хорватия термаси қолган 31 та жамоага ватанпарварлик билан сўғрилган замонавий футбол дарсини намойиш этиб қўйди. Унинг янги мисол ярқ этган уйинларини футбол муҳлислари хали-бери унуттишолмас керак. Чорак финалда Германияни 3:0 ҳисобиди «нокаут»га ўратган хорватлар лидери Давор Шукер журналистларга берган интервьюсида: «Биз ҳар сонияда уруш оловидан қарчаган ола юртимизни ёлда сақлаб тул сураимиз. Рақибларга киритилган ҳар бир гол мустақил Хорватиянинг руҳий юксалиши учун қўйилган қадам деб ҳисоблаймиз», деди. Изоҳнинг хожати йўқ. Дарвоқе, Шукер ўз

сузларини амалда ҳам қўйилмак қилиб ўттилади: 6 тул билан чемпионат бомбардирини номини олди.

Навбатдаги XVII жаҳон чемпионати 2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтади. ФИФАнинг янги президенти Йозеф Блаттернинг таъкидлашча, айрим учрашулар Кореянинг шимол-лий қисмида ҳам ўтказилиши мумкин экан. Фақат қичкинагина шарти бори: Шимол-лий Корея ўз сиёсатида кескин бўрилиш есаши лозим.

Қисқа қилиб айтганда, катта футбол тобора ривожланиб бораётти. У ўз мақодини мустаҳкамлаган ҳолда барча қитъаларни бирин-кетин забт этмоқда. Бунга эса сиёсатсиз амалга ошириб бўлмайди. Яъни, футбол сиёсатсиз.

М.РАҲИМ.

ҚОҢАҚАРАМАН ИЛБИРА

(17—23 август)

• **ҚҲЙ** — Ушбу даврда қўр ҳаракатлар, асабийлашишлар эвазига қўзлаган мақсаднингизга эришишингиз мумкин. Бундан ташқари тушунмовчилик, сарсония ва нотўғри ахборот келиши тахмин қилинади. Айниқса, пайшанба ва жума кўнлари эҳтиёткорлик, зийраклик билан иш тутмоқ даркор. Қўлай кўнлар — 19, 22, 23. Ноқўлай кўнлар — 17, 18, 20.

• **БУЗОҚ** — Ушбу кўнларда ўзгаришлардан йироқ бўлиб, бориини асрашга ҳаракат қилинг. Оилавий муаммолар, балогат ёшига етган фарзандларингиз билан боғлиқ масалалар юзага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунингдек, қандайдир янгилик, бирон хабардан боқабар ҳам бўлишингиз мумкин. Қўлай кўнлар — 18, 21, 22. Ноқўлай кўнлар — 17, 20, 23.

• **ЭГИЗАҚЛАР** — Бу ҳафта ўтмишдаги молиявий муаммоларни эслатиши мумкин. Айни пайтда «иши юришмаётган» айрим «эришмаётган» савд ёр бўлади. Ойлангизда жондиги моҳирлар бўлиши қўтимлоқда. Борди танишларингиз сизни иккиозламачиликда айблашга ҳайрон бўлмаг. Қўлай кўнлар — 18, 19, 23. Ноқўлай кўнлар — 17, 20, 21.

• **ҚИСКИЧБАҚА** — Ҳамфиқларингиз ва оилангиз билан муносабатда муаммолар пайдо бўлади. Мазкур ҳафтада эш билармон миқоз ва шериқларнинг олдидида ўзирмаган ўзаро қарзларингиз ва ечилмай қолдирилган масалалар қувватингизга пулур етказиши мумкин. Шунинг учун сотишнингизга қўрқатқан беринг. Меҳнат таътилини узаётганларга эса ҳафта омади келади. Қўлай кўнлар — 19, 20, 22. Ноқўлай кўнлар — 17, 18, 21, 23.

• **АРСЛОН** — Ҳафтанинг дастлабки икки кўни янги иш бошлаш, тижорат ишлари учун муваффақиятсиздир. Бирок молиявий муаммоларни ишларини амалга ошира оласиз. Билим ва иқтидорингиз ҳамда куч-қувватингизни қўрқона сарф қилишингиз соғлигингизга пулур етказиши мумкин. Қўлай кўнлар — 19, 21, 22, 23. Ноқўлай кўнлар — 17, 18, 20.